



Одамлар Аллоҳ таолонинг (муслмонлар фаровонлиги учун тайин қилган) молини ҳақсиз сарф қиладиларки, Қиёмат куни жаҳаннам уларники бўлади», - деганларини эшитдим

Ховла Ансорийя разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: «Одамлар Аллоҳ таолонинг (муслмонлар фаровонлиги учун тайин қилган) молини ҳақсиз сарф қиладиларки, Қиёмат куни жаҳаннам уларники бўлади», - деганларини эшитдим.

[Тўғри матн] [Бухорий ривояти]

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда муслмонларнинг молларини ботил билан ишлатадиган, ҳақлари бўлмаган молдан оладиган инсонлар ҳақида хабар бермоқдалар. Юқорида зикр қилинган ҳукм ҳаром йўл орқали мол дунё тўплаш ва уни нотўғри йўлларга сарф қилишни ҳам ўз ичига олади. Етимларнинг молини ноҳақ йўл ила емоқ, вақф ва омонатга қўйилган нарсаларни инкор қилмоқ ҳамда уларни ноўғри йўл билан олмоқ ҳам шулар жумласидандир. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг Қиёматдаги жазоси дўзах эканини хабар бердилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5331>

